

## Сийрат дарслари (229-дарс) Ким сидрни кесса, Аллоҳ уни боши билан дўзахга ташлайди



19:00 / 06.05.2023 4272

894. Хаббоб ибн Арат розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга шикоят қилдик. У зот Каъба соясида бурдаларини болиш қилиб ётган эдилар. Биз у зотга: «Биз учун нусрат сўрамайсизми? Биз учун Аллоҳга дуо қилмайсизми?» дедик. У зот: **«Сизлардан олдингиларда бир кишини ерга чуқур қазиб, унга ташлашар, сўнг арра олиб келиб, бошига қўйиб, иккига бўлиб ташлашар эди. Шу ҳам уни ўз динидан тўсмас эди. Темир тароқлар билан гўштнинг остидаги суяк ёки пайларигача тарашар эди. Шу ҳам уни ўз динидан тўсмас эди. Аллоҳга қасамки, (У Зот) бу ишни**

**охирига етказди, ҳатто отлик Аллоҳдан ўзгадан ёки суруви учун бўридан қўрқмаган ҳолда Санъодан Ҳазрамавтга борадиган бўлади. Лекин сизлар шошиляпсиз», дедилар».**

*Бухорий ривоят қилган.*

895. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ азза ва жалладан кўра эшитган озорига сабрлироқ зот йўқ. Унга ширк келтирилади, Унга бола нисбат берилади. Шундан кейин ҳам У уларга офият беради ва уларга ризқ беради», дедилар».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

896. Абдуллоҳ ибн Ҳубший розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким сидрни кесса, Аллоҳ уни боши билан дўзахга ташлайди», дедилар».**

*Абу Довуд ривоят қилган.*

Сидр – бир дарахтнинг номи. Очиқликда ўсаётган, йўловчилар ва жонзотлар сояланиб-фойдаланиб турган дарахтни сабабсиз кесиш назарда тутилган.

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.